Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020 йил — Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2020-yil 7-mart, shanba 13 (9050)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев атроф-муҳитни асраш ва чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ижроси қониқарсиз деб топилди. Хусусан, атроф-муҳитга салбий таъсирлар сақланиб қолмоқда. Атмосферага катта миқдорда ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда. Фауна ва флорага хавф ортиб боряпти.

Маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланмоқда. Бу борада хусусий сектор улуши паст. Санитар тозалаш хизматлари ҳамма маҳаллаларда ҳам мавжуд эмас. Қурилиш ва саноат ривожи натижасида чиқиндилар ҳажми ортмоқда.

Йиғилишда аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 та чиқинди полигонини санитария-экология талабига мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига жорий йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида, кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш чиқиндиси полигонлари ҳамда чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонларни овлаганлик учун жазони кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Маълумки, Президентимиз фармонига мувофиқ, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий қилинган эди. Лекин жойлардаги раҳбарларнинг эътиборсизлиги оқибатида айрим ҳолларда ўсимлик дунёсига зарар етказилди. Бош прокуратурага ушбу масала бўйича ҳокимлар фаолиятини қатъий назоратга олиб, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш топширилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида экологик нормаларга риоя этиш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лабораторияларида жиҳозларнинг 65 фоизи эскиргани қайд этилди. Ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажмининг 60 фоизи ёқилғи-энергетика, 20 фоизи тоғ-кон ва металлургия соҳасига тўғри келмоқда. Шу боис, табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаган саноат корхоналарини рағбатлантириш, чанг-газ тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада кадрлар сиёсати кескин танқид қилинди. Жумладан, малакали мутахассислар ва илмий-тадқиқот ишлари етишмаслиги, бирорта олий ўқув юртида экология бўйича махсус факультет йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Тадқиқотларга грантлар ажратиш, хорижда илмий ходимлар малакасини ошириш, соҳага инновацион технология ва ғояларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотига муносиб эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва жаҳон миқёсидаги мавқеини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан

Чусовитина Оксана Александровна – Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан

Кузнецова Светлана Михайловна – Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Батирова Маргарита Азизовна – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тиллар кафедраси профессори

Бойматова Сибинисо Мусурмонқуловна – Шароф Рашидов туманидаги "Мусурмон ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Джамилова Гулчехра Манноновна – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотини улуғлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 март

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 мартдаги ПҚ-4626-сон қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Ибрагимова Назокат Мухтаровна – Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти

Нуратдинова Динара Елубай қизи – Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Абдумўминова Нигора Ихтиёровна – Андижон машинасозлик институтининг 4-босқич талабаси

Нўъмонова Зулфира Иқболжон қизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Ражабова Нилуфар Комилжоновна – Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Холикова Нозима Нематиллоевна – Бухоро давлат университетининг таянч докторанти

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 6 март куни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ушбу муҳим масала Ҳукумат томонидан Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритилиши ва халқ вакиллари билан батафсил кўриб чиқилишини маълум қилиб, бунда энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таянишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислоҳотлар самараси жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашиш, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга боғлиқ. Чунки, иқтисодий интеграция маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келиш, транзит савдони кенгайтириш, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимиз жаҳон ишлаб чиқариш тизими, халқаро бозор талаблари ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан иқтисодий интеграция масаласида мамлакат иқтисодиётининг йирик 16 тармоғида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда мазкур масала бўйича етакчи мустақил консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг изланишлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва хулосалар кўриб чиқилди. Бунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги доирасидаги иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, саноат, ташқи савдо сиёсати, божхона-тарифларини тартибга солиш механизми, меҳнат миграцияси, стандартлаштириш ва ветеринария, санитария, фитосанитария назорати сингари кўплаб масалалар бўйича экспертларнинг хулосалари ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИга интеграция жараёнлари ўзаро боғлиқлиги қайд этилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига таъсирини комплекс ўрганиш натижасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши зарур бўладиган чора-тадбирлар белгиланди ҳамда ЕОИИ билан кузатувчи-давлат мақомида ҳамкорлик қилиш таклифи маъқулланди.

Йиғилиш якуни бўйича таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН БИР ГУРУҲ МАҲКУМА АЁЛЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган айрим маҳкума аёлларни афв этиш юзасидан билдирилган ташаббуси доирасида Президент ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия, бошқа мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда маҳкума аёлларнинг шахсини ўрганиш ва улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилиши таъминланди.

Ўтказилган тадбир якуни бўйича Комиссиянинг адашиб, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш ҳақидаги таклифи Давлатимиз раҳбари томонидан маъқулланиб, "Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Фармонга мувофиқ жазо муддатини ўтаётган 83 нафар аёллар афв этилди.

Афв этилган аёлларнинг 12 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 29 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 17 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айттанда, 58 нафар аёл жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, 25 нафар маҳкума аёлга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 7 нафарини чет эл фуқаролари ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда халқимизга хос аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш, бағрикенглик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик ва кечиримли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган аёлларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Қалбида мардларнинг шижоати бор

Навоий вилояти

Аёл матонати ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгишга, мушкул вазифаларнида, уддалашга қодир. Бу чизгилар навоийлик Маъмура Қурбоновага ҳам хос. Матонатли аёл умр йўлдоши бевақт оламдан ўтгач, турмушнинг оғир синовини енгишга, оиланинг барча масъулиятини зиммасига олишга ўзида куч топа олди.

Айни пайда қаҳрамонимиз "Zarafshan Golden Group" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган турар жой объектлари қурилишида минорали кранни маҳорат билан бошқариб келмоқда.

– Турмушга чиққанимдан сўнг, бир неча йил оила ва фарзандларимнинг ширин ташвиши билан банд бўлдим, – дейди Маъмура Қурбонова. – Минг шукр, ҳозир фарзандларим анча улғайиб, оғиримни енгил қиладиган, ҳар юмушда кўмаклашадиган ёшга етди. Шу боис, қайнона ва қайнотамнинг рухсати билан ишлашга қарор қилдим.

"Zarafshan Golden Group" қурилиш корхонаси бунёдкорлари вилоятдаги бир-биридан кўркам, салобатли биноларнинг қад кўтариши, навқирон ва гўзал шаҳарнинг янада чирой очишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида нафақат латофати ва теран ақли, балки метиндек мустаҳкам иродаси билан барчага намуна бўлаётган аёлларнинг борлиги эса қувонарли ҳол. Юрт ободлиги ва тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилаётган Маъмура Қурбонова мисолида ўзбек аёлининг бугунги қиёфаси, эзгу фазилатлари кўз ўнгимизда намоён бўлди.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА)
олган сурат.

Мукофотлар муборак бўлсин!

Икки томонлама ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ибрагимова Рихсихон Исмаиловна – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Кариева Бернара Рахимовна – Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори

Махмудова Робахон Анваровна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Садуллаева Гулчехра – Ўзбекистон давлат сатира театри актрисаси

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Адилова Фатима Туйчиевна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти лаборатория мудири

Бабажанова Зулфия Реимбаевна – "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг кимё цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ғаффорова Фотима – Меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Марипова Саодат Тораховна – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг "Минерал ресурслар институти" давлат корхонаси шўъба мудири

Мендиева Ранохон – Учқўприк туманидаги "Мендиева Ранохон" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Парпибаева Озода Абдукадировна – Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сабирова Вазира Талиповна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Тураева Гавхаржан Ибрагимовна – Гурлан туманидаги "Наврўз" фольклор- этнографик халқ жамоаси бадиий раҳбари, Хоразм вилояти

Шодмонова Мавлюдахон – Марҳамат туманидаги "Барҳаёт Нозимжон файзи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Юнусова Манзурахон Пазлиддиновна – Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Юсупова Тути – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Жалолова Сабоҳат Ашуркуловна – Сариосиё туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Муминова Мадина Рашидовна – Наманган шаҳридаги "Baby plaza" хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Асланова Дилбар Хасановна – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Самарқанд вилояти

Ахмеджанова Покиза Шавкатовна – Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" директори, Сирдарё вилояти

Рахимова Мукаддас Араловна – Яккабоғ туманидаги "Маданият текстиль кўп тармоқли" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Сабурова Инжигул Жумабаевна – Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

Усманова Саодат Умаровна – Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ҳаитова Роҳат Ахмаджоновна – Вобкент туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактаби директори, Бухоро вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Абдуллаева Максуда Султановна – Урганч туманидаги "Урганч парранда инвест" хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Ахмадалиева Нодира Кахрамоновна – Андижон туманидаги "Gold Andijan pharma" қўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

Баходирова Валентина Григорьевна – Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Қамаши тумани ташкилоти раиси, Қашқадарё вилояти

Джавланова Кимёхан Курбанбаевна – Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти

Жолимбетова Айтгул Аймбетовна – Мўйноқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбарова Насиба Ахмадалиевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг фахрий диктори

Мустафаева Замира Рустамовна – Ғаллаорол туманидаги "Сарбозор қурилиш транс" хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Облобердиева Зуҳро – "Ҳунарманд" уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи-уста

Сабитова Мадия Иркиновна – Кармана туманидаги "Полипропилен қувурлар" масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Саидбекова Дахиятпочо Бабаевна – Сўх туманидаги "Сариканда" қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, Фарғона вилояти

Сувонова Дилбар Набиевна – Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Сурхондарё вилояти

Суцепина Виктория Дмитриевна – "Тошкент қувур заводи" қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Умарова Нигора Телмановна – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг маънавият ва маърифат кафедраси мудири

Умарова Нодира Нигматуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги "Ишга марҳамат" мономаркази директори

Усманова Израбу Ариповна – Риштон туманидаги "Израил Израбону" оилавий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Холбекова Бегойим Абдурахмоновна – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Шаназарова Азиза Абдумаликовна – Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори

Ширинова Мавлюдахон Расуловна – "Сабр" Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори

Эрматова Назокат – Боёвут туманидаги "Зиёкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Абдуллаева Умида Хазратовна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

Бобоқулова Гули Ражабовна – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти божхона бошқармаси "Олот" чегара божхона пости катта инспектори

"Шуҳрат" медали билан

Бекназарова Саида Сафибуллаевна – Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудиовизуал технологиялар кафедраси профессори

Бовақулова Мавжуда Рахимбердиевна – Янгийўл шаҳридаги "Baxor style" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Дададжанова Ирода Абдулазизовна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг "Ёш куч" журнали бош муҳаррири

Игамбердиева Паризод Кадировна – Фарғона давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Инакова Барнохон Баходировна – Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва неонатология кафедраси мудири, Андижон вилояти

Исломова Гулмира Рахмоновна – "Ҳунарманд" уюшмасининг Нурота тумани бўлими аъзоси, каштачи-уста, Навоий вилояти

Каримова Навбахор Валижановна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали сиёсий шарҳловчиси

Мамадиёрова Юлдузой Каршиевна – Шаҳрисабз туманидаги "Shakhrisabz tour" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мамарасулзода Зулхумор Абулкосим қизи – Жиззах вилояти маданият бошқармаси қошидаги "Мақом" ансамбли мақомчиси

Мансурова Муниса Анваровна – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири

Рахматова Фароғат Шавкатовна – Денов туманидаги "Smart kids" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

Турдимуратова Айнур Бахтибаевна – Нукус шаҳридаги "Жайхун универсал қурилиш" масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Халикова Хамида Азимжоновна – "Бекободцемент" акциядорлик жамиятининг цех тегирмон машинисти, Тошкент вилояти

Химматова Юлдузой Шахритдиновна – "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Навоий вилояти

Хусаинова Нафиса Рустамовна – Самарқанд шаҳридаги "Samarkand-England eco medical" қўшма корхонасининг сифат таъминоти бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хусанова Гавхар Мамаражабовна – Сайхунобод туманидаги "Гулбаҳор зиё китоб савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Шукурова Гулчеҳра Шойиқуловна – Қорақўл туманидаги "Гуллар чеҳраси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшчанова Жавҳар Атахановна – Янгибозор туманидаги "Ҳамид Олимжон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 мартдаги ПҚ-4626-сон қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Ибрагимова Вазира Хусан қизи – Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг "Маърифат ва ҳикмат" масъулияти чекланган жамияти муҳаррири (Жиззах вилояти)

Илхомова Севара Даврон қизи – Жиззах политехника институтининг 3-босқич талабаси

Норчаева Мадина Норчаевна – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Олимжонова Бегойим Мансур қизи – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Омонбоева Мерей Эрали қизи – Навоий давлат педагогика институтининг 4-босқич талабаси

Сапарова Ситора Шайдулло қизи – Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Азимова Дилафрўз Аламхон қизи – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Тожибоева Олимахон Икромжон қизи – Наманган вилояти Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Мусулмонова Камола Хусниддин қизи – Самарқанд давлат университетининг 2-босқич магистранти

Усманова Нуриниссо Олимовна – Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси

Мухамадиева Ситора Шухратжон қизи – Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Саматова Шаҳноза Ортиқбой қизи – Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Абдуразақова Рухшона Илҳомжон қизи – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

Қайимова Сабина Олимовна – Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тўғарак раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Болтаева Моҳира Матёқуб қизи – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жалолова Моҳинур Зиёвуддин қизи – П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Хабибуллаева Нозима Хайрулло қизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Хомидова Насиба Юнусжон қизи – Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали 1-босқич магистранти

Алимова Махлиё Махмуд қизи – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 6-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Шарипбаева Назокат Қуролтой қизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Дзивинская Юлия Станиславовна – 2-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Тоғаймуродова Шахноза Шухрат қизи – Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ:
АЗАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда 6 март куни Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Туркия элчихонаси ва Туркия халқаро ҳамкорлик агентлиги (TIKA) ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик муносабатлари истиқболлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил февраль ойида Туркия Республикасига амалга оширган ташрифи якунларидан келиб чиқиб муҳокама этилди.

Ташриф доирасида 19 февраль куни Анқара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Ушбу кенгаш мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотнинг янги шакли бўлиб, Президентлар ҳамраислигида фаолият олиб боради.

Дунёнинг илғор давлатларидан бири ҳисобланган Туркия Республикаси билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилиши Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати тамойилларига тўла мос келади. Икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасида транспорт-коммуникация тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Туркия бизнес шерикликни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. Туркиянинг юқори инвестициявий салоҳияти ва Ўзбекистон бозоридаги иштирокини янада кенгайтиришга бўлган кучли қизиқиши инвестиция соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Туркиянинг чет элга йўналтирилган сармоялари ҳажми 2000-2017 йиллар даврида 20 баравар ўсиб, 40 миллиард долларга етган.

Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий алоқалари мунтазам ўсиб бориш хусусиятига эга. 2016 йилда 1,2 миллиард долларни ташкил этган ўзаро савдо ҳажми 2019 йил якунига кўра 2,5 миллиард долларга етди. Фақат сўнгги бир йилда ушбу кўрсаткич 27 фоизга ошди. Яқин йилларда ўзаро савдо айланмасини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Ушбу вазифани бажариш учун тегишли механизм ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида преференциал савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш, мазкур битимга киритиш таклиф этилаётган маҳсулот турлари рўйхатини кенгайтириш масалалари ҳал этилмоқда, ушбу ҳужжатнинг амалий ижроси тартиби келишиб олинди.

Бизнес доиралари фаолияти сезиларли кучайди. Сўнгги икки йилда Ўзбекистонда 750 дан зиёд турк корхонаси очилди, Туркия капитали иштирокидаги компаниялар сони 1 минг 306 тага етди.

Давра суҳбати иштирокчилари Туркиянинг туризмни ривожлантиришдаги улкан ижобий тажрибаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини юзага чиқаришда асқотишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, ЯИМ ҳажмида туризм ҳиссасини 5 фоизгача етказиш (2017 йилда 2,8 фоизга тенг бўлган), мамлакатимизга сайёҳлар оқимини 9 миллион кишига чиқариш режалаштирилмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар очилмоқда, ҳадис, калом, ақида, фиқҳ мактаблари, Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази қурилмоқда.

Ислом маърифатини илгари суриш, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз учун муҳим. Тўқимачилик, қурилиш соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш борасидаги мулоқотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Томонлар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ва истиқболли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишга тайёрлигини билдирди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Ўша нодир тақинчоқ
Уни ўттиз йилдан бери тақаман

Қўй келади қўзи билан
Соҳа тараққиёти истиқболи

Тош остида қолган рўмол

("Қуёшим энам" асаридан парча)

Энам...

Аждодлари асил одамлар. Етти пушти бой ўтган, чорвасию зиғири журти жаҳонга сиғмаган Худойқулговбойнинг Ортиқбайбичадан ёлғиз қизи – менинг энам. Қизиллар келиб қулоқ қилинган, сургунда эзилган бой бувамдан энамга тилла тўла хумча қолмади. Чеки чегарасиз боғ-роғлар қолмади. Данғиллама уйлар қолмади. Фақат энамни бор бўй-басти билан ҳамиша ўзига чорлаб турадиган, ранглари ёрқин хотиралар қолди.

Бувалари – оқ сурпдан кўйлак-иштон кийиб, елкасига турва осиб Маккаи Мадина зиёратига борган Пирмат ҳожини кўрмаганлару эшитганлари бўйича ҳикоя қилиб беравердилар:

– Буваганам, илойим гўрлари нурга тўлиб, жаннатнинг нозбойларини искасин. Тўрвасида икки капгина талқон билан Маккага бир кунлик жўл қоғанда мавали дорахди остида дам олибдилар, – энамнинг ҳаяжондан товушлари титрайди. – Шу пайт олдиларига бир урғочи кучук келиб, тилини осилтириб тураверибди. "Э, жонивор очқодингма?" деб бувам раҳматли бир кап талқон берибди. Кучук талқонни жеб шу атрофдаги мозординг ичига кириб кетибди-да, кўп ўтмай яна қайтиб чиқибди. "Э, жонивор яна жейсанма?" деб бувам раҳматли тўрвасидаги бор талқонни кучукнинг олдига қоқибди. Кучук талқонни жеб яна мозор ичига кириб кетибди. Бувам бу сирдан ҳойрон қоп мозор томонга жўрибди. Борса эна кучукдинг беш-олтита кўзи очилмаган болалари шингшиб жотқонимиш. "А, жонивор-а, тилинг жўқ-да, билмапман-да", дебди-да қора кунга осраб қўйган бир тўрам нонини кучукнинг болалари олдига ташлабди. Бувам мозордан чиқиб Маккаи Мадина торопга қараб жўлға тушибди. Шу пайт муборак томондан "Эй, ҳожи ортингизга қайтинг, ҳажингиз қабул бўлди", деган товуш эшитилибди, – энам кўзларидаги намни енглари билан артиб қўйди.

Биз бу ҳикояни кўзларимиз катта-катта очилиб, киприкларимиз пирпираб тинглаймиз.

– Эна, кейин-чи, кейин нима бўлди? – деймиз энамнинг кўз ёшига ҳайрон бўлиб.

– Кейинма, олти ой деганда ҳаж зиёратидан қайтган Пирмат ҳожи бувам уйда қирқ кун чилла сақлаган. Юз чоғли одам жойлашадиган меҳмонхонасига оқ матодан қирқ қават қилиб парда илдирган, – дейди энам овозлари титраб. – Қирқ кун бой бувамга ўзганинг кўзи, ўзгага бой бувамнинг кўзи тушмаган. Момонгнинг айтишича жегилик Рўзи момом томонидан бўсағага қўйилган, холос. Қирқ кундан сўнг бувам чилладан чиқиб, элнинг номозхонлари, мулла, эшонлари, қаландар девоналарини жамлаб ҳожи тўйи қилиб берган. Ва хизматларида юрган молбоқару туябоқарлар, қўйчивону подачилар, чоракору боғбонларини ёшига қараб уйли-жойли қилганлар. Ҳатто уларга мол-қўйдан улуш ажратиб берган. Лангар томонда Тошли қишлоғи бор. Ана шу қишлоқ бувамнинг синглисининг авлодлари болам. Бувам ўз синглисини Тошлилик Азимқул бахшига узатиб, мол-ҳол билан юртига кузатган. Бой бувам вафоти қадар элдан қадр кўрган, элу журт у кишини яхшилик билан эслайди, – дейди энам хўрсиниб.

Ҳаяжон билан айтилган бу ҳикоятдан кўп нарса уқиймиз. Бир кишига етган егулик ўн кишига ҳам етади. Сен боғу чорбоғда яшаб атрофингдагилар қақраган биёбонда чўлласалар, беэътибор бўлмагин, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам жавоби бор.

Пирмат ҳожи бобом Қамашидаги карвон йўлида жойлашган Қорабоғ қишлоғида карвонсаройлар, мулла, домлаларнинг китобхонлик қилишлари учун махсус ҳужралар, Чим қишлоғида масжидлар қурдирганларини энам айтиб беради. Пирмат ҳожи бобомнинг ўғли, энамнинг отаси Худойқулговбобомнинг маърифатли одам бўлгани, чоракорларига меҳрибонликлари, уларни уйлантириб, мол-ҳол билан рўзғорларини бўлаклаб бергани... Эҳ-ҳе, бундай хотиралардан зерикиш не билмайсиз.

Бир умр боболари, момоларидан фахрланиб яшади энам. Ва бир куни менга аста ҳасратини айтди:

– Биласанма, болам, мен отамдан қолган битта эсдалик рўмолимди жўғатиб қўйганман, – деди у.

Мен бу нарса энам учун қанчалар муҳимлигини билганлигимдан кўзларим катта-катта бўлиб кетди.

– Қандай қилиб эна? Ўғиллатиб қўйдингизма?

– Жўқ, бошқача бўган, – деди энам товуши титраб.

...1940 йил. Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани ташкил этилди. Шу муносабат билан йўлларга тош тўкиладиган бўлди. Қўлидан иш келадиган барча меҳнатга жалб этилди. Яқингинада тўйи бўлган ёш келинчак энам ҳам ана шу ишларда қатнашган. Хотин-қизлар ҳар куни тонг саҳар эшакларига минганча кўплашиб, Лангар дарёси ўзанига боришган. У ерда эркаклар хуржунларни тошга тўлдириб беришган. Аёллар яна бирга туман марказига қайтишган.

Кунлардан бир куни энам кун қизиб кетганидан катта қора шол рўмолини тош солинган хуржун кўзига ташлаб қўяди. Аёллар пешинга яқин тоғдан қайтиб келишади. Шу тобда ишнинг боришини назорат қиладиган бригадир аёлларни ёнига чақиради. Улар ғужурлашиб туришган пайтда йўл текислаётган эркаклар хуржунлардаги тошни ерга тўкадилар. Тошлар устма-уст тўкилаверади. Энамнинг хуржун юзасига ташлаб қўйган рўмоли эса тошлар остида қолиб кетади.

Назоратчининг олдидан қайтган энам қараса хуржуни бўшатилган. Лекин рўмол йўқ эди.

– Менинг рўмолим қани? Шундайгана хуржуннинг кўзига тайлаб қуювдим, – дейди энам.

Хуржунларни бўшатиб олган ишчилар:

– Билмадик, келинжон, чарчаганимиздан хуржуннинг кўзига қоромоппиз, – дейди хижолат бўлиб.

– Энди нима қиламан? Буни отам оппирувди, – дейди энам йиғламсираб.

Ишчилар баттар ноқулай аҳволга тушиб қолишади:

– Келинжон, садқай суханингиз кетсин. Некин энди қаярдан топиб берамиз? – дейишади.

Товушни эшитиб назоратчи югуриб келади. Аҳволни билгач:

– Келин, билиб туриппан, рўмолга жонингиз ачиятганини. Некин тошларди остидан рўмолди изласак плон қоп кетади, – дейди у.

Ишчилар энамнинг кўнгли учун у ёқ-бу ёқни излаган бўладилар. Аммо рўмол топилмайди.

– Биласанма, рўмолим шундайгана Қамашининг ҳозирги катта бозор олдига тош тўкилаятганда жўғалган. Ҳар шуярдан ўтаятсам жўрагим бир қолқиб кетади. Худди отамдинг қўлини босаятгандай бўламан, – дейди энам.

Мен хотираларидан ҳаяжонланиб турган энамни қучоқлайман:

– Энажон, хапа бўманг. Рўмолларингиз кўп-ку. Отам, акаларим қанча рўмол аппиришган сизга, – дейман ёшлигимга бориб.

– Ай, болам, у рўмолимди отам апкилувди. Отам...

Энамнинг йўқолган рўмоли билан боғлиқ армони чексиз эди. Аммо у отасидан қолган тилла синсила билан тилла ҳайкал тақинчоғини урушнинг иккинчи йили фронт учун жўнатганига нимагадир ачинмайди.

– Э, болам, уруш кўрмангнар. Нима бўса шу гирмон яксан бўсин, дедик-да, – дейди у.

Мен эса энамни кашф қилавераман. У назаримда туганмас достонга ўхшайди.

Бир куни ичкари уйда асраладиган жажжи, келин сандиқча айвонга опчиқилди. Сандиқча эҳтиёткорлик билан очилди. Кўриб кўзингиз қувнайди. Ранглари ёрқин ҳапамат, гулбанд, ҳилба, дардиғозна, чинмаржон, бўтакўз (томоқча, билакча)... бир дунё мунчоқлар.

– Монови ҳапамат, – дейди энам титрабгина. – Буни отам раҳматли бешга тўлганимда Пайшанбанинг бозоридан олиб келувди. Бу мунчоқ уйдаги хапагарчиликнинг олдини тўсади, дейиди моманг. Буниси гулбанд. Кимнинг уйида гулбанд бўлса боласи гул (чечак)ка чалинмайимиш. Манови бўтакўзди момонг тизишган. Энаганамнинг, байбича кайвонимнинг қўлининг изиям бор, исиям бор, болам. Монови ҳапаматди момонг келинлигида тоққан. Энаганам бу мунчоқди ўлимидан олдин қойтадан тизувди. Жиби чириганнан кейин мен тиздим. Энаганамнинг иси бор. Шуничун этиятлайман-да, – дейдилар тақинчоқларни ҳидлаб.

Биз ҳайрат билан яшил, оқ, қизил, қора, кўк тусли турлима-турли мунчоқларга термуламиз. Томоққа тақиладиган бўтакўз тақинчоқ оқ ва қора мунчоқлардан тизилган. Четларига қора мунчоқдан тизилиб, ўртасига оқ мунчоқдан турли шакллар бериб тизилган. Безаги худди болоқ (жияк)ни эслатади.

Жиянчаларим уларга қўл чўзса, энам секингина маъноли қараб қўядилар – чечаларим дарҳол ўзларига келишади:

– Тек тур, узилса улаб бўлама? – танбеҳ беришади жиянчаларимга.

Бу мунчоқлар на шаклу шамойили, на туси, на тизилиш санъати билан ҳозиргиларга ўхшамайди. Ўн-ўн беш қаватлаб тизилган мунчоқларда гўё кашталарнинг бетакрор нақши бор. Ва яна меҳр билан муҳаббат ҳам қоришиқ. Кейин ўз аждодларингга нисбатан беэътибор бўлмаслик, улар ҳақидаги илиқ хотираларни юракларга жойлаш керак, деган сабоқ ҳам бор назаримда.

Бир сафар уйга борганимда ўша сеҳрли сандиқча яна айвонга олиб чиқилди. Биз энамнинг атрофини ўраб олдик. Энам сандиқ ичидан икки қатор қилиб тизилган қизил маржонни олди. Бу тақинчоқни жуда кўп кўрганман. Унинг ўртасида арабча ёзувли кумуш тангали безак бор.

– Бу тоқинчоқди эгизак тоғаларинг тувилғонда отам Пайшанбанинг бозоридан момонгга опкеп берган. Қора-да, неччи жил бўп кетди, – деди у ҳаяжонланиб.

Мен ҳайрат билан тақинчоққа тикилиб қолдим. У ростдан ҳам жуда ажойиб эди.

– Момонг буни бир умр бўйнидан ечмади, болам. Бунда отам раҳматлининг меҳри бор-да, – деди энам.

Мен бош иғғаб қўйдим. Кечки пайт отам, энам ва мен ҳовузимиз олдидаги ўриндиқда гаплашиб ўтирдик.

– Энаси, шу қизил маржонди Гулига бер, – деди отам. – Қизим этнографияга, фольклорга қизиқади. Бундай одамлар нодир нерсанинг қадрига жетади.

Мен ҳайрат билан отамга қарадим. Энам аста қўлимни сиқиб қўйди.

– Қизим, энанг шу тоқинчоқди ҳар доим тоқиб журишингди ҳаҳлайди. Буни сен эплайсан, – деди отам.

Энам ҳеч сўз демай уйга кириб кетди. Кўп ўтмай ўша кумуш безакли қизил маржонни кўтариб олдимизга келди.

– Болам, шу маржонди ҳар доим тоғиб жўр. Момонгнинг руҳи шод бўлади, – деди энам андак илтижоли товушда.

Сўнг кафтимга тақинчоқни қўйди. Юрагим тез уриб кетди.

– Албатта, энажон. Бу буважонимдан, моможонимдан ёдгорлик-ку, – дедим ҳаяжон билан.

Ўша ноёб, нодир тақинчоқни мана ўттиз йилдан ошди ҳамон тақиб юраман. У менга жуда кўп иссиқ хотираларимни эслатади.

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
журналист.

Қашқадарё вилояти

Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишларидан бири бу – қоракўлчилик соҳаси бўлиб, уни ривожлантиришга, соҳага янгича ёндашиб, чет эл тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам ижобий ишлар амалга оширилябти. Вилоят бўйича 620 минг гектар яйловлар қоракўлчилик субъектларига ажратилган бўлиб, улар тоғ олди, адир ва қумли чўл яйловларидан иборат.

Қоракўлчилик истиқболлари

М.КОМИЛОВ олган суратлар.

Вилоят "Қоракўл" уюшмаси таркибидаги 100 дан ортиқ қоракўлчилик субъектларида жорий йил боши ҳолатига кўра 215 минг бош қоракўл қўй ва эчкилар парваришланмоқда. Барча соҳалардаги каби қоракўлчиликда ҳам бугунги кунда замон билан ҳамнафаслик, янгича ёндашув талаб этилмоқда, бу эса соҳа тараққиётига ҳисса қўшиши табиий. Шу аснода қоракўлчилик наслчилик илмий станциялари ташкил этилиб, унга қоракўлчилик чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари ҳам жалб қилинди. Соҳа вакиллари ва олимлар ҳамкорлигида 1 минг 600 бошдан иборат 5 та селекцион отарлар Афғон қоракўл қўчқорлари билан сунъий уруғлантириш натижасида уларнинг наслини илмий асосда кўпайтириш ишлари йўлга қўйилди. Ғузор туманидаги "Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси" да Республика Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари ва соҳа вакиллари иштирокида ташкил этилган ўқув курсларида ҳам қоракўлчиликда наслни яхшилаш, сифатли қоракўлчилик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш, соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, янги илмий амалиётлар ўтказиш тўғрисида маърузалар тингланди ҳамда вилоятда бу борада амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишилиб, тажриба алмашилди.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА,
"Qishloq Hayoti" мухбири.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

"Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да якунланади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин."

Танловга қўйилган табиий ҳавзалар рўйхати ва танлов ўтказиладиган саналар:			
№	Туман номи	табиий сув ҳавза номи	Сувли майдон, га
Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 09.04.2020йил)			
1	Элликқалъа	301 контур кўли	2,8
2	Элликқалъа	Жинган кўли	3,9
3	Элликқалъа	441 контур кўли	2,1
4	Элликқалъа	Думанкала	27,5
5	Шуманай	2878-а-санлы контур	5
6	Қараўзак	Аэропорт	10,4
7	Тўрткўл	Куксу Лоток яб Контур кўли	10
8	Тўрткўл	Айдынкўл кўли	10,1
9	Тўрткўл	Шоркўл	16,9
10	Амударё	Шарсапа коли	19
11	Нукус	Қудяр кўли	13,3
12	Нукус	Гунжили кўли	13,5
13	Мўйноқ	Киши Жансыз кўли	90
14	Мўйноқ	"Қара Мулла" кўли	220
15	Мўйноқ	"Жауынғыр" кўли	400
16	Мўйноқ	"Қарамуш кўл"	395
16	**Жами**		**1240**
Наманган вилояти (танлов санаси 10.04.2020йил)			
1	Чортоқ тумани	Чортоқ сув омбори	170
1	**Жами**		**170**
17	**Жами**		**1410**
"Қорақалпоқбалиқсаноат" МЧЖнинг телефон рақами (0561) 225-15-59, (91)303-06-05			
"Наманганбалиқсаноат" МЧЖнинг телефон рақами (369) 227-75-23, (90) 260-45-00			

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан 13.10.2009 й.да 004147-03 реестрда рўйхатдан ўтган "KVADRO MONOLIT" МЧЖ (гувоҳнома 004147, СТИР 301343134, манзил: Миробод т. Моштабиб кўч. 11-уй) маълум қиладики, "KVADRO MONOLIT" МЧЖ "CABUS" МЧЖ ҚК (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 й. 25 ноябрда ҚК сифатида рўйхатдан ўтган, гувоҳнома 1137, СТИР 202545501)га қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Тошкент ш. ДХМ томонидан 09.03.2015 й.да 007500-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган Сергели т. Шокирариқ кўч. 7-уй манзилида жойлашган "RESPUBLIKA MARKAZIY NASHRLARI POCHTASI" МЧЖ (СТИР 303250794) ихтиёрий тугатилади. Кредитор қарздорлик бўйича аризалар 02.05.2020 йилгача қабул қилинади.

Тошкент ш. ДХМ томонидан 29.06.2016 й.да 010534 реестр рақами билан рўйхатга олинган Сергели т. Шокирариқ кўч. 7-уй манзилида жойлашган "GASHT FAYZ SAVDO" МЧЖ (СТИР 303250794) ихтиёрий тугатилади. Кредитор қарздорлик бўйича аризалар 02.05.2020 йилгача қабул қилинади.

Кушаков Умид Сойипбоевичга Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Сергели бўлими томонидан 2014 й. 26 декабрда берилган TS 0074722 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

Аёл

– меҳрибон она
– суюкли рафиқа
– уй бекаси
энди у ҳоким!

Юртимизда меҳнат қилаётган аёлларга шароит яратиш, уларнинг раҳбарлик лавозимларида ишлашларига имкон яратиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев айтганларидек, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ҳаммадан яхши билувчи, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда жонбозлик кўрсатувчи ҳам – аёлдир!

ДИЛФУЗА УРАЛОВА
Сирдарё вилояти
Боёвут тумани

НАРГИЗА НЕЪМАТОВА
Бухоро вилояти
Олот тумани

САДБАРХОН МАМИТОВА
Андижон вилояти
Бўстон тумани (собиқ Бўз)

МАҚСУДА МУСТАФАЕВА
Қашқадарё вилояти
Қарши тумани

ЗУЛАЙҲО МАҲКАМОВА
Наманган вилояти
Тўрақўрғон тумани

ГАВҲАР АЛИМОВА
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳри

ҚУТЛОВ

"Автойўлтрансхизмат"
давлат унитар корхонаси жамоаси

муҳтарама опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин қутлайди ва бахтимизга соғ-омон бўлингизлар, деб қолади.

Руҳан уйғоқликка, шижоату меҳнатсеварликка чорлаётган баҳор нашидаси йил бўйи қалбларингизни тарк этмасин!

ЧАП ҚИРҒОҚ АМУДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимизни юртимизга қут-барака олиб кирган баҳор фаслининг илк байрами – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайди.

Муқаддас оилада маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фарзандларимизни миллий қадриятларимизга, ватанимизга садоқат руҳида соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялашдек масъулиятли ишларингизда сиз, азизларга куч-қувват, соғлик, омонлик тилайди.

Qishloq hayoti
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.
5 131 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – **144**
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 01.30

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123456